

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ КОРХОНАЛАРИНИНГ SWOT ТАҲЛИЛИ

Қобил Тўхтамишович ИБРАГИМОВ

Ўқитувчи

Термиз давлат педагогика институти

Термиз, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада мамлакатимиз аҳолисини сифатли ва арзон уй-жойлар билан таъминлашга доир масаланинг долзарблиги, шунингдек Сурхондарё вилоятидаги уй-жой қурилиши корхоналарининг SWOT таҳлили келтирилган. Ушбу вилоятда 2010-2021 йилларда янги ташкил этилган ва тугатилган қурилиш корхоналари сони ҳамда 2020-2022 йилларда ажратилган субсидиялар миқдори ҳақида маълумот берилган.

Таянч сўзлар: уй-жой қурилиши корхоналарининг SWOT таҳлили, субсидиялар, янги иш ўрнилари яратиш, аҳолини уй-жой билан таъминлаш.

SWOT-АНАЛИЗ ПРЕДПРИЯТИЙ ЖИЛИЩНОГО СТРОИТЕЛЬСТВА СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ

Қобил Тухтамишович ИБРАГИМОВ

Преподаватель

Термезский государственный педагогический институт

Термез, Узбекистан

Аннотация

В данной статье представлена актуальность вопроса обеспечения населения качественным и доступным жильем, а также SWOT-анализ предприятий жилищного строительства Сурхандарьинской области. Приведено количество вновь созданных и ликвидированных строительных предприятий в Сурхандарьинской области в 2010-2021 годах и количество выделенных субсидий в 2020-2022 годах.

Ключевые слова: SWOT-анализ предприятий жилищного строительства, субсидирование, создание новых рабочих мест, обеспеченность населения жильем.

Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг туб моҳияти аҳолининг турмуш фаровонлигини таъминлашдан иборат бўлиб, бунда энг аввало ижтимоий соҳани ривожлантириш асосий масала ҳисобланади. Аҳолини сифатли ва арзон уй-жойлар билан таъминлаш бугунги кунда муҳим аҳамият касб этмоқда. Барча иқтисодиёт соҳалари сингари аҳолини сифатли ва арзон уй-жойлар билан таъминлаш, аввало минтақавий даражада тадқиқ этилиши лозим. Бироқ соҳани ривожлантириш

орқали маҳаллий аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, яширин иқтисодиёт даражасини пасайтириш борасида илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш учун уни ривожланиш тенденцияларини комплекс таҳлил қилиш лозим.

Аҳолини сифатли ва арзон уй-жой билан таъминлаш ва уй-жой қурилиш бозорининг барқарор фаолияти аҳоли турмуш сифатини таъминлайдиган энг муҳим омиллардан ҳисобланади. Шу боис давлатимиз томонидан бу масалага доимий эътибор қаратиб келинмоқда. "...Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари доирасида 479 та қишлоқ ва овулда, шаҳарлардаги 116 та маҳаллада кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бажарилди. Бунга 6,1 триллион сўм ёки 2018 йилга нисбатан 1,5 триллион сўм кўп маблағ сарфланди.

Кам таъминланган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож 5 мингта оилага, жумладан, ногиронлиги бўлган аёлларга ипотека кредити асосида арзон уй-жой сотиб олиш учун 116 миллиард сўмдан зиёд бошланғич бадал тўлаб берилди [1].

Бу ўринда аввало Сурхондарё вилоятида 2010-2021 йилларда янги ташкил этилган ва тугатилган қурилиш корхоналарини кўриб чиқишга тўғри келади. Жадвал Surxonstat.uz маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси (1-жадвал).

1-жадвал.

2010-2021 йилларда Сурхондарё вилоятида янги ташкил этилган ва тугатилган қурилиш корхоналар сони [9]

	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021
Янги ташкил этилган	191	105	111	164	191	174	230	267	391	601	315	428
Тугатилган корхоналар	237	175	103	235	75	288	208	192	197	113	87	215

Жадвалдан кўриниб турибдики, 2010-2011, 2013, 2015 йилларда тугатилган корхоналар сони янги ташкил этилган корхоналар сонидан кўп. Бу эса, ўз навбатида, иш ўрниларининг маълум миқдорда қисқаришига олиб

келади. Кўп сонли ишсизлик юзага келган пайтда, айниқса регионал миқёсда қурилиш корхоналаридан бўшатиб юборилган ишчиларга янги иш ўринлари топиш жуда қийин, бу эса жамият ҳаётида ижтимоий вазиятни мураккаблаштиради. Буларнинг ҳамаси қурилиш корхоналари ишлаб чиқариш диверсификацияси жараёнининг нақадар ижтимоий аҳамиятга эга эканлигидан дарак беради [3].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 28 ноябрдаги ПФ-5886-сон Фармони билан айрим шахсларга, шу жумладан, даромади юқори бўлмаган ва уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлганларга ипотека кредити бўйича дастлабки бадал ва (ёки) фоизларнинг бир қисмини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига субсидиялар тўланиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинди.

Ҳукуматимиз томонидан аҳолини сифатли ва арзон уй-жойлар билан таъминлаш мақсадида бир қатор қулайликлар яратилмоқда. Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш орқали даромади юқори бўлмаган ҳамда уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган оилалар, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизлар, мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этаётган ёшлар ва шу тоифадаги бошқа аҳоли қатламларига кўмаклашиш ва уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашда манзиллилик ва шаффофликни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарори тасдиқланди [9].

Биргина Сурхондарё вилоятида 2017-2022 йиларда ажратилган субсидиялар қуйидагича (2-жадвал). Жадвал Surxonstat.uz маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

2-жадвал.

Худудлар номи	2017-2022 йилларда янги уй-жойлар сотиб олиш учун ажратилган субсидиялар					
	(йил бошига, бирликда)					
	2020		2021		2022	
	Сони	маблағ (млн.сўм)	сони	маблағ (млн.сўм)	сони	маблағ (млн.сўм)
Вилоят бўйича	804	18000	2260	113500	1733	68600

Жадвалдан кўриниб турибдики, янги уй-жойлар сотиб олиш учун ажратилган субсидиялар сони ва маблағ миқдори ҳар йили фақат ошиб бормоқда. 2021 йил 2020 йилга нисбатан ажратилган субсидиялар сони 1456 тага ёки 181% фоизга, ажратилган маблағ эса 95500 млн сўмга, яъни 5,3 баробар ошганини кўриш мумкин. Ҳеч шубҳасиз, ушбу рақамлар Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар самараси дейиш мумкин.

Лекин шу билан бир қаторда бозор қонуниятларини ҳам унутмаслик керак. Мамлакатимиз уй-жой қурилиш бозорининг кучли ва заиф томонларини, шунингдек бозор имкониятларини ва унга бўлиши мумкин бўлган хавф-хатарларни ҳам инобатга олиш ҳар доим эътибордаги масала ҳисобланган.

Олинган маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, вилоятда қурилган уй-жойларнинг 1 м² нинг ўртача нархи занжирсимон усулда қараганда, 2018 йилда 2017 йилга нисбатан 6,9 % га, 2019 йил 9,7%, 2020 йил 11,8%, 2021 йил 26 % ва 2022 йил 10 % га ошганини билиш мумкин. Ушбу рақамлар худуддаги уй-жой қурилиши корхоналарининг фаолиятини таҳлил қилиш кераклигига яна бир туртки беради.

3-жадвал

Сурхондарё вилоятида 2017-2022 йилларда қурилган уй-жойларнинг нархлари тўғрисида [2] маълумот.

	2017-2022 йилларда қурилган уй-жойларнинг ўртача 1 м ² нархи					
	(йил бошига, бирликда)					
	2017	2018	2019	2020	2021	2022
Вилоят бўйича	2900	3100	3400	3800	4800	5300

Юқорида таъкидлаганимиздек, Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарни бошқаришда иқтисодий таҳлилнинг роли кескин ошмоқда, чунки, бошқарув тизимида олдинги маъмурий-буйруқбозлик тизимидан воз кечилиб, у янги, эркин иқтисодий механизмлар орқали шаклланмоқда. Режали иқтисодиётда таҳлил асосан режа кўрсаткичларини асослашга, унинг бажарилишини таъминлашга қаратилган бўлса, бозор иқтисодиётида ҳар бир хўжалик субъекти, мулк шаклидан қатъи назар, ўз фаолиятини юқоридан берилган буйруқни бажаришга қаратмасдан, балки, мустақил равишда ўзининг иқтисодий қудратини такомиллаштириш мақсадида эркин бошқаришга қаратади [5]. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодий таҳлилнинг ролини янада оширади.

Шулардан келиб чиқиб, уй-жой қурилиши соҳасининг ҳолати, унда содир бўлаётган микдор ва сифат кўрсаткичларининг ўзгаришини ўрганиш мақсадида Сурхондарё вилояти мисолида эмпирик ва SWOT таҳлилларини амалга оширдик.

Ҳар бир элемент компаниялар фойдали ташаббуслар билан чиқишлари ёки йўқотишлардан хабардор бўлишлари, нотўғри қарорлар (ички талабларга мос келмайди ва ташқи муҳит) қабул қилмасликда қўл келади. Ушбу модель қурилиш саноати компанияларнинг рақобатбардошлигини ошириш учун ишлатилиши мумкин. Моделнинг охириги икки қоидаси, бизнес атроф-

муҳитида учрайдиган таҳдидлар ва унга қарши курашишда имкониятларни баҳолайди. Ўтказиладиган SWOT таҳлил натижалари ҳудуддаги соҳанинг барча заиф томонлари ва таҳдидларни бартараф этиш, кучли томонлар ҳамда имкониятларни тўлиқ ишга солиш бўйича самарали қарорлар қабул қилишга шароит яратади ва шу асосда минтақада уй-жой қурилиши корхоналарининг самарадорлигини оширишда ташкилий-иқтисодий механизмлардан тўлароқ фойдаланиш имкониятини беради [7].

S- КУЧЛИ ТОМОНЛАР	W- ЗАИФ ТОМОНЛАР
Уй-жой қурилиши соҳасини ривожлантириш бўйича ҳукумат томонидан дастурларнинг узоқ муддатга ишлаб чиқилганлиги ва амал қилиши: Уй-жой қурилиши соҳасида меъёрий-ҳуқуқий замин яратилганлиги: Уй-жой қурилиши тармоғида ишчи кучининг таъсири: Уй-жойлар қурилишида арзон ва сифатли хомашёларни ишлаб чиқаришни Маҳаллийлаштириш	• Кадрлар малакасининг талабга жавоб бермаслиги: • Уй-жойлар қурилиши субъектлари истиқболли режаларининг асоссиз тузилганлиги: • Айрим қурилиш корхоналарида махсус техника ресурсларининг чекланганлиги: • Потенциал харидорлар истаги ва уларнинг эҳтимолий сонини шакллантириш бўйича етарли ахборотнинг йўқлиги: • Илмий-техника тараққиёти янгиликларидан ўз вақтида фойдаланилмаслиги:
O- ИМКОНИЯТЛАР	T- ТАҲДИДЛАР
• Тўловга қодир инвесторларнинг соҳага инвестиция киритиш истагининг мавжудлиги: • Уй-жой қурилиши соҳаси субъектларига ҳукумат томонидан устувор вазифалар белгиланиши: • Уй-жойларга нисбатан аҳоли талабининг мавжудлиги:	Янги қурилаётган уй-жойларга қўйилган таърифларга кўра нархларнинг ва фоиз ставкаларининг барқарор эмаслиги ва юқорилиги: Айрим янги массивларнинг туман марказларидан узоқлиги ва коммунал хизматлар сифатининг пастлиги: Мавсумийлик, иқлим ва демографик вазиятнинг ўзгарувчанлиги.

Уй-жой қурилиши бозорида корхоналарнинг SWOT таҳлили.

Ўтказилган SWOT таҳлил ҳудуддаги қурилиш корхоналарининг рақобатбардошлиғни ўрганиш заруриятини туғдиради.

Албатта, иқтисодиётда рақобатбардошлиқни аниқлашнинг бир неча усуллари бор.

Қурилиш корхоналарининг рақобатбардошлигини оширишда ХХ асрнинг 80-йилларида Том Петерс ва Роберт Ватерманлар томонидан яратилган АҚШнинг “МсКинсей” консалтинг компанияси маслаҳатчилар гуруҳи томонидан ишлаб чиқилган “МсКинсей 7С” модели ҳозирги кунда иқтисодиётимизда кенг қўлланилмоқда [6].

Иқтисодоётчи олимларимиз Р.Х.Карлибаева, А.А.Темировлар ўз адабиётларида корхонанинг рақобатбардошлигини баҳолашни бир неча қисмга бўлиб ўрганган. Корхоналарнинг рақобатбардошлигини оширишда активларни, корхона капиталини, инвестицияларини, шунингдек, пул оқимларини бошқариш каби бир неча омилларни ўранишган [4].

Юқоридаги SWOT таҳлил айрим янги массивлардаги коммунал хизматлар сифатини ошириш натижасида янги иш ўрниларининг яратилишига, аҳоли турмуш даражасининг яхшиланишига, ҳудуднинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишига, янги иш ўринларининг яратилишига, ҳудуд инфратузилмасининг ижобий ўзгаришига олиб келади.

Шунингдек, янги қурилаётган уй-жойларга қўйилган таърифлар бўйича нархлар ва фойз ставкаларининг барқарор эмаслиги, шу билан бирга юқорилиги миллий иқтисодиётимизда инфляцияга таъсир этади.

Юқоридагиларга қўшимча қилиб, ҳудуднинг табиий об-ҳаво шароитидан келиб чиққан ҳолда янги уй-жойларни қуришда иссиқликни сақловчи қурилиш матреалларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Бу ўринда қайта тикланувчи энергия манбаларидан, хусусан қуёш батареяси ва панелларидан фойдаланиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш давр талаби деб ҳисоблаймиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга 2020 йил 24 январь Мурожаатномаси //Халқ сўзи, 2020 йил 25 январь.
2. Уй-жой сотиб олиш ва ёки яқка тартибдаги уй-жойларни қуриш ва реконструкция қилиш учун фуқароларга субсидия тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 25 март 182-сон қарори. www.lex.uz
3. Давлетов И.Х. Қурилиш иқтисодиёти. – Тошкент: Иход-Пресс, 2019. – 256 б.
4. Карлибаева Р.Х., Темиров А.А. Корхоналарни рақобатбардошлигини баҳолаш. – Тошкент: Иқтисодиёт, 2019. – 99 б.
5. Шоалимов А.Х., Тожибоева Ш.А. Иқтисодий таҳлил назарияси: арслик. – Тошкент: «Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи», 2021. – 230 б.
6. Яшиева М.Т. Халқаро рақобат сиёсати: ўқув қўлланма. – Тошкент: Инновацион ривожланиш нашриёт матбаа уйи, 2021. – 53 б.
7. Линг Ф.Й,& Гуи,Й.(2009). Strengths, Weaknesses, Opportunities, and Threats: Case Study of Consulting Firms in SHenzhen, China. Journal of Construction Engineyering and Management, ASCE. 135 (7): 628-636.
8. <http://lex.uz/docs/4637331>
9. Surxonstat.uz